

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил октябрь ойининг 10 куни, Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи: В.Сиддиков,

ҳайъат судьялари: Б.Хайдаров ва Ш.Каримовдан иборат таркибда, С.Саидмуродхонов ва Т.Ибрагимовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори М.Парпиев, судланган З.Зиятов ва ҳимоячи Б.Мамировнинг иштирокида, З.Зиятовга оид жиноят ишини унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 2024 йил 9 августдаги ҳукмига кўра:

Зиятов Зафар Расулжонович, 1989 йил 19 сентябрда Бувайда туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мукаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 2018 йил 6 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари 6.889.600 сўм жарима жазосига;

2) жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 2021 йил 16 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан ЖКнинг 62-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланиб, шу суднинг 2022 йил 16 декабрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси тартибида ўталмаган 1 йил 8 ой 5 кун жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, ишламаган, Бувайда тумани, “Бачқир” МФЙ, Шодлик кўчаси, 73-уйда яшаган, 2024 йил 20 майдан қамок эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 271-моддаси 2-қисмининг “ж” банди билан 5 йил, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.



Суднинг ҳукмига кўра, З.Зиятов 2024 йил 13 майга ўтар кечаси М.Мухторовнинг *(ишининг унга оид қисми мазмунан кўриб ҳал қилинган)* Бувайда тумани, “Дехқонобод” МФЙ, Ҳикмат кўчаси, 75-уйи томорқасида ўсиб турган ҳолдаги 100 туп 2.323 грамм жуда кўп миқдордаги кўкнор гиёҳвандлик ўсимликларини қонунга хилоф равишда ўғирлик йўли билан эгаллаб, таниши А.Одиловнинг бошқарувидаги “Gentra” русумли 40 J 073 FV давлат белгили автомашина юкхонасида олиб кетаётган вақтда, Бувайда тумани “Бачқир” қишлоғи ҳудудида хизмат олиб бораётган ИИБ ходимлари томонидан ушланган.

Судланган З.Зиятов ҳимоячиси билан биргаликдаги шикоятда, терговга қадар текширув ҳаракатлари ва дастлабки терговда далиллар мақбуллиги бузилгани, унинг ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят суди судьяси Ш.Каримовнинг маърузасини, прокурор М.Парпиевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, судланган З.Зиятов ва ҳимоячи Б.Мамировнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд ҳукмида, содир этилган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, судланган З.Зиятовнинг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиб, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиб, асосли равишда рад этилган ва судда текширилган далиллар - судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисобланиб, унинг юқорида қайд этилган жиноятни содир этганлиги, гувоҳ А.Одилов, Қ.Патийдинов, С.Махмудов ва И.Мухаммадалиевнинг кўрсатувлари, ашёвий далилни олиш баённомаси, судга оид кимёвий ва наркологик экспертизаси хулосалари, шунингдек иш ҳужжатларидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулосага келиб, унинг ҳаракати ЖК 271-моддаси 2-қисмининг “ж” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Судланган З.Зиятов ҳимоячиси билан биргаликдаги шикоятда, терговга қадар текширув ҳаракатлари ва дастлабки терговда далиллар мақбуллиги бузилгани ва ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқаришни сўраса-да, апелляция инстанцияси ушбу важлар билан қуйидаги асосларга кўра келишмади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 20-бандида, ЖК 271-моддасига мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни эгаллаш учун жавобгарлик улар корхона, ташкилот ва муассасалардан қонунга хилоф равишда олинганда, таркибида наркотик моддаси бўлган ўсимликларни белгиланган тартибда етиштираётган қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли ерлардан, шунингдек, уларга қонуний ва қонунсиз равишда эгалик қилиб турган фуқаролардан қонунга хилоф равишда олинганда юзага келиши;



гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни босқинчилик, талончилик, товламачилик, фирибгарлик, ўғирлик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш ЖК 271-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши лозим бўлиб, ЖК ўзгалар мулкани талон-торож қилишни назарда тутувчи тегишли моддаларида билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шунингдек, шикоят важлари, судланган З.Зиятовнинг, 2024 йил 12 май куни соат 23 ларда таниши М.Мухторовнинг яшаш хонадони томорқасига ўзига билдирмасдан кириб, у ерга экилган буғдой ўсимликлари орасида ўсиб турган кўкнори ўсимликларидан бир неча тупини юлиб олиб, яшаш хонадонига кетаётганида, А.Одилов қўнғироқ қилиб, қаердалигини сўраганида, Дехқонобод қишлоғида экани, автомашинасида келиб олиб кетишини сўрагани, А.Одилов бошқарувидаги “Gentra” русумли автомашинасида келганида, унга айтмасдан кўкнори ўсимликларини автомашина юкхонасига солиб қўйгани, яшаш хонадонига кетишаётганида, ИИБ ходимлари автомашина юкхонасини кўздан кечириб, кўкнори ўсимликларини ашёвий далил тариқасида олишгани ҳақидаги;

гувоҳ А.Одиловнинг, 2024 йил 12 май куни соат 23 ларда З.Зиятовдан хўроз олиш мақсадида қўнғироқ қилганида, у Дехқонобод қишлоғида эканини айтиб, уни олиб кетишини сўраганида, у бошқарувидаги “Gentra” русумли автомашинада боргани, З.Зиятов уйдан хўроз олиб беришини айтиб, автомашинаси юк хонасига хўрози учун олган донларини солиб қўйишини сўраганида, автомашина юкхонасини очиб бергани ва уйи томон боришгани, уйига яқин қолганида З.Зиятов автомашинани тўхтатиб, шу уйга кириб чиқишини айтгани, шунда ИИБ ходимлари келиб, автомашина юкхонасини кўздан кечиришганида, З.Зиятов уни автомашинасида кўкнори ўсимлиги солганини кўриб, ИИБ ходимларига бу ҳақда айтгани, лекин З.Зиятов қайтиб келмаганида, ИИБ ходимлари билан унинг яшаш хонадонига боришгани, З.Зиятов кўкнор ўсимликларини Бувайда тумани, Дехқонобод маҳалласида яшовчи М.Мухторовнинг яшаш хонадони томорқасидан ўғирлаб чиққани айтгани, ИИБ ходимлари кўкнори ўсимликларни ашёвий далил тариқасида олишгани ҳақидаги;

гувоҳ Қ.Патийдиновнинг, 2024 йил 13 майга ўтар кечаси ИИБ ходимларини таклифи билан А.Одилов бошқарувидаги “Gentra” русумли 40J073FB давлат белгили автомашина кўздан кечиришда ҳолис сифатида иштирок этгани, кўздан кечириш давомида автомашина юкхонасидан 100 туп кўкнори ўсимликлар аниқлангани, ИИБ ходимлари А.Одиловдан ўсимлик кимга тегишли эканини сўрашганида, З.Зиятов ўзига тегишли эканини айтгани, З.Зиятов эса ушбу кўкнори ўсимликларини Бувайда тумани, Дехқонобод қишлоғида яшовчи М.Мухторовнинг яшаш хонадонига экин майдонидан юлиб олганини билдиргани ҳақидаги;

гувоҳ С.Махмудовнинг, Бувайда туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакили вазифасида ишлаши, 2024 йил 13 майга ўтар кечаси А.Одиловнинг бошқарувидаги “Gentra” русумли 40 J 073 FB давлат белгили автомашина юкхонаси кўздан кечирилганда, 100 туп кўкнори ўсимлиги борлиги



аниқлангани, А.Одилов ушбу ўсимликлар З.Зиятовга тегишли эканини айтгани, З.Зиятовдан ушбу ўсимликлар ҳақида сўрашганида, М.Мухторовнинг яшаш хонадони томорқасидан ўғирлаб олиб чиққанини билдиргани, ушбу кўкнори ўсимклари ашёвий далил тариқасида олингани ҳақидаги;

гувоҳ И.Мухаммадалиевнинг, Қўқон шаҳар ИИБ эксперт-криминалистика гуруҳи эксперти лавозимида ишлаши, 2024 йил 13 майдаги Бувайда туман ИИБ ЖКБ тезкор вакили С.Махмудовнинг З.Зиятовдан ашёвий далил тариқасида олинган кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимликларга нисбатан кимёвий экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорига асосан суд-кимёвий экспертизаси ўтказгани, тақдим этилган қоп ўрамини очганида уни ичидан 100 туп яшил рангли ўткир ҳидли, қуритилмаган ҳолатдаги томири, банди, барглари ва бошоқлари бўлган кўкнори ўсимлиги чиққани, қоп ўрами билан 2417 грамм, қоп ичидан олинган кўкнори ўсимлигининг соф оғирлиги 2323 грамм экани, тадқиқот давомида кўкнор ўсимлигининг томири, банди, бошоғидан намуна олингани ва унинг таркибида гиёҳванд алколоидлар морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, опийли кўкнор ўсимлиги экани аниқлангани ҳақидаги кўрсатувлари;

судга оид кимёвий экспертизасининг 2024 йил 13 майдаги, З.Зиятовдан аниқланган яшил рангли, ўткир қўланса ҳидли, қуритилмаган ҳолдаги кўкнор ўсимлиги таркибида гиёҳванд алколоидлар (морфин, кодеин, тебаин) мавжуд бўлиб, опийли кўкнор ўсимлиги экани, оғирлиги 2.323 граммни ташкил қилиши ҳақидаги 296-сонли хулосаси билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан рад қилиниши ҳақидаги асосли хулосага келди.

Судлов ҳайъати, судланган З.Зиятовнинг ҳимоячиси билан биргаликдаги шикоятдаги жиноят содир этмагани ҳақидаги важларини ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос келмайдиган, объектив далиллар билан тасдиқланмаган, ўзининг жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган ишончга сазовор бўлмаган важлар сифатида танқидий баҳолайди.

Чунки, З.Зиятов 2024 йил 13 майга ўтар кечаси М.Мухторовнинг Бувайда тумани, “Дехқонобод” МФЙ, Ҳикмат кўчаси, 75-уйи томорқасида ўсиб турган 100 туп 2.323 грамм жуда кўп миқдордаги кўкнор гиёҳвандлик ўсимликларини қонунга хилоф равишда ўғирлик йўли билан эгаллаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 28-моддасининг 1-қисмида, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши, айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши белгиланган.

Юқоридагилардан кўринадики, судлар ҳақиқий ҳолатни аниқлашда, мазкур Конституциявий нормага асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22 ва 26-моддалари талабларига мувофиқ жиноят ишини синчковлик билан ҳар томонлама тўлиқ ўрганиб чиқиб, асосли хулосага келган.

Суд қарорларида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 94, 95-моддалари тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.



Қайд этилган ҳолатлар судланганларнинг айбини рад қилувчи ёки шубҳа остига олувчи бошқа далиллар билан аниқланмагани сабабли апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди ҳукмини қонуний ва асосли деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди З.Зиятовга жазо тайинлашда, ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қасддан янги жиноят содир этгани, иқрор ва пушаймонлиги, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, адолатли ҳулосага келган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси З.Зиятовга оид суд ҳукмини ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Зиятов Зафар Расулжоновичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Бувайда туман судининг 2024 йил 9 августдаги ҳукми ўзгаришсиз, унинг ҳимоячиси билан биргаликдаги апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

| | | |
|-------------------|--------|------------|
| Раислик қилувчи: | /имзо/ | В.Сиддиков |
| Ҳайъат судьялари: | /имзо/ | Б.Хайдаров |
| | /имзо/ | Ш.Каримов |

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья Ш.Каримов



Ҳужжат имзоланган: Каримов Шукуржон Каримович, 14.10.2024

